

ЎҚУВ ДАСТУР ПАСПОРТИ

Ўқув дастур узлуксиз тиббий ва фармацевтик таълим мувофиқлаштирувчи кенгаининг 2025 йил 14 августдаги №3-сонли баённомаси асосида тасдиқланган ва №ИХТ-182 рақами билан рўйхатга олинган.

Амал қилиши муддати 2030 йил гача

Таълим муассасаси номи	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази
Кафедра/ бўлим	Наркология ва ўсмирлар психопатологияси
Ўқув дастур номи	«Тиббий психология ва психотерапия»
Ўқиш тури	Бирламчи ихтисослаштириш
Ўқув дастур муаллифи/ муаллифлари	проф. Турсунходжаева Л.А., каф. мудири Бахрамов Ф.Ш.
Циклнинг умумий соати	720 кредит

Циклда дарс берадиган ўқитувчи ва тренерлар

				
Каф.проф. Турсунходжаева Л.А.	Каф.мудири Бахрамов Ф.Ш.	Ассистент Баймирова Л.Т.	Ассистент Азизова Д.К.	Ассистент Хайдаринова И.И.

Мақсад	Жаҳон илм-фани ва амалиётининг тиббий психология ва психотерапия соҳасидаги замонавий ютуқлари асосида, республикамизнинг соғлиқни сақлаш хусусиятларидан келиб чиқиб малакавий тавсифлар талабларига мувофиқ равишда тиббий психология ва психотерапия соҳасидаги билимларни ўзлаштирган, мутахассиснинг функционал мажбуриятларини мустақил бажаришга қодир бўлган тиббий психолог ва психотерапевт шифокорларни тайёрлаш.
---------------	--

Циклга таклиф қилинган мутахассислар - контингент	Ҳар қандай тор клиник мутахассисликка эга бўлган барча шифокорлар.
--	--

Цикл вазифалари	Врач-тиббий психолог ва психотерапевтни беморларни текшириш ва даволаш асослари билан таништириш ва уларни ўзлаштириш; Тиббий психология ва психотерапиянинг назарий асосларини ўзлаштириш; Руҳий ва хулқ-атвор бузилишларига тўғри ташҳис қўйиш ва амалий кўнникмаларни ўргатиши; Беморларни даволашда психотерапия усусларини
------------------------	--

	<p>қўллаш, реабилитация жараёни ўтказишга амалий кўникмалар ҳосил қилиш; Руҳий ва хулқ-атвор бузилишларининг олдини олиш масалалари билан таништириш;</p>
Цикл таркиби	<p>Модуль 1. Тиббий психология умумий масалалари Модуль 2. Руҳий жараёнлар Модуль 3. Социал психология асослари Модуль 4. Нейропсихология асослари Модуль 5. Патопсихология асослари Модуль 6. Психосоматика асослари Модуль 7. Болалардаги руҳий жараёнлар нотўғри ривожланиши психологияси Модуль 8. Девиант хулқ-атвор психологияси Модуль 9. Психотерапия усуллари Модуль 10. Психологик маслаҳат бериш Модуль 11. Невроз ва бошқа руҳий касалликларда психологик ёрдам бериш Модуль 12. Ички ва асабий касалликларда психологик ёрдам бериш Модуль 13. Психогигиена ва психопрофилактика</p>
Клиник базалар 1. Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази	<p>2. Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали</p>  